Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 9 ИЮНЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (13.453)

Баҳоси эркин нархда

КЕНГ КЎЛАМЛИ ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Остона халқаро аэропортида Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Асқар Мирзахметов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилади.

Мажлисда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ШҲТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни кучайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Остона шаҳрида ШҲТнинг Тошкент саммити қарорларини амалга ошириш бўйича Ҳиндистон ва Покистонни ташкилот аъзолигига қабул қилиш жараёни ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммити доирасида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувлар ўтказди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат сифатида қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, ташкилотга раислиги даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Покистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 50 га яқин ҳужжат имзоланган. Мамлакатимизда Покистон инвестицияси иштирокида 55 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Покистонга пахта толаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кўнчилик хомашёси, қора ва рангли металлар, қурилиш материаллари, транспорт ва туризм хизматларини экспорт қилади. Покистон мамлакатимизга дори воситалари, кимё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт хизмати кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Покистон билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Покистон Бош вазири Навоз Шариф Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғанининг учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг урф-одат ва анъаналари бир-бирига ўхшаш. Икки давлат ўртасида яқин қўшничилик алоқалари ўрнатилган, турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш, мамлакатда барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётини ривожлантириш позициясида қатъий эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавот, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилади. Қурилиш, энергетика, транспорт ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб келмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан Ҳайратондан Мозори Шарифгача темир йўл линияси қурилган. Мамлакатимиз кўмаги билан Афғонистонда кўприклар, юқори вольтли электр линиялари, оптик толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилган.

Президент Ашраф Ғани Афғонистонда барқарор ҳаётнинг тикланишидаги Ўзбекистоннинг катта ҳиссаси Афғонистонда юксак қадрланишини таъкидлади ва бунинг учун миннатдорлик изҳор этди. 2016 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент саммити доирасида икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида эришилган келишувларнинг амалга оширишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси муносабати билан "Остона опера" Давлат опера ва балет театрида намойиш этилган концертни томоша қилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг асосий тадбирлари 9 июнда бўлиб ўтади.

А.ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент тиббиёт академиясида олий таълим тизимининг энг муҳим бўғини – магистратура мутахассислиги бўйича 2016-2017 ўқув йили битирувчиларига магистрлик дипломини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Маданий-маърифий тадбирда академия раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, магистратура босқичининг битирувчи талабалари, уларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент тиббиёт академияси соғлиқни сақлашнинг замонавий йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлайдиган нуфузли олий таълим муассасаларидан бири.

Тадбирни Тошкент тиббиёт академияси ректори Л.Тўйчиев кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор ва бу борада эришилаётган ютуқлар, олий таълим тизимида магистратура босқичининг ўрни ва аҳамиятига тўхталиб, магистрлик дипломига эришган ёш мутахассисларни самимий қутлади.

Тантанали маросимда узоқ, машаққатли, айни пайтда шарафли илм йўлини босиб ўтган 235 нафар магистратура босқичи битирувчиларига диплом топширилди.

Академиянинг магистратура бўлими бошлиғи, доцент Абдураҳмон Имамовнинг берган маълумотига кўра, муассасада магистратура босқичида 44 та мутахассислик бўйича – 637 та магистр ўқийди. 2016-2017 ўқув йилида 41 та мутахассисликни 235 нафар талаба битирди. 2016 йилда 200 дан ортиқ магистр талабалар хориж мамлакатларида малака оширишгани, конференция ва съездларда қатнашгани қувонарли ҳол. Академияни тамомлаганлар республикамизнинг марказий шифохоналари ва ихтисослаштирилган марказларида фаолият олиб боришади.

Профессор-ўқитувчиларнинг берган билимларини оқлашга шайланган ёшларни сухбатга чорладик.

– Бу шарафли касбни эгаллаш қувончли бўлиши билан бирга, кишига катта масъулият юклайди, – дейди психиатр йўналиши бўйича таҳсил олган магистр Гўзал Мавлонова. – Мамлакатимизда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билими ва касб маҳоратини ошириш, касалликларни аниқлаш ва даволашда илмфан ютуқлари ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шифокорлик касбига болалигимдан қизиққанман. Устозларимдан олган назарий билимларимни амалиётда мустаҳкамлаш учун шаҳардаги 1-, 2-руҳий касалликлар шифохонасида амалиёт ўтадим. Олган билим ва кўникмаларимдан келгусида халқимиз соғлиғини тиклашга қаратиб, уларнинг ишончини оқлашга ваъда бераман.

– Шундай улуғ даргоҳни тамомлаб, магистрлик дипломини қўлга олганимдан хурсандман, – дейди эндокринология йўналиши бўйича магистр Сабоҳат Мирахмедова. – Бизга таълим берган устозларимга катта миннатдорчилик билдирмоқчиман. Болалигимда касал бўлиб ётган беморларни кўрсам, ёрдам бергим келарди. Кейин бунинг учун билим олиш, оқ либос кийиб, дардмандларнинг дардига малҳам бўладиган шифокор бўлиш кераклигини тушундим. Айнан шу мақсад мени мазкур соҳани эгаллашимга туртки бўлди. Дардига малҳам истаган кишига ёрдам қўлини чўзиш шифокорларнинг вазифаси. Келгусида фаолиятимни поликлиникадан бошлашни ният қилдим. Чунки поликлиника аҳолига энг яқин ва ёрдам кўрсатувчи маскан ҳисобланади. Иккита фарзандим бор. Яқинларимнинг кўмаги билан мана шундай бахтли кунлар насиб этди.

Бу кун чиройли безатилган масканда қўлларида гул билан фарзандини табриклашга ошиққан ота-оналар, магистрларнинг яқинлари ҳам жамулжам бўлди.

– Ўғлимни шундай гўзал ва бахтиёр юрт фарзанди эканидан, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун тинмай ҳаракат қилиб, магистрлик дипломини қўлга киритганидан қалбим фахрга тўлди, – дейди магистр Ҳабибжон Тоғаевнинг онаси Анорхон Қодирова. – Шифокорлик соҳасига қизиқиш кучлилиги сабаб айнан Тошкент тиббиёт академиясига ҳужжат топширди. Халқимизнинг саломатлигини муҳофазалашга ҳисса қўшишни асосий мақсад қилган фарзандимнинг орзулари ушалсин деб қоламан. 6 нафар фарзандим бор. Икки қизим ҳам ҳамшира бўлиб ишлайди. Қолган фарзандларим педагогика йўналишида фаолият олиб боришади.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун ўзларининг амалий саъй-ҳаракатлари билан ҳисса қўшишга тайёр турган ёш шифокорларга келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Тимур Камилов олган сурат

ЮТУҚЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда эришилган ютуқларни мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган жаҳон рейтинглари ва уларнинг умумжаҳон эътирофларида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,269 га пасайди. Бу натижа БМТ тавсияларига биноан 0,35-0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартларга кўра, мамлакат аҳолисининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради. Жини индекси – аҳоли даромадларининг амалда тенг тақсимланишини билдиради. Ушбу индекс 0 га тенг бўлса, бу давлат даромадларининг аҳолига идеал даражада тенг тақсимланганини, агар у 100 га тенг бўлса, унинг мутлақо тескарисини кўрсатади.

Ўзбекистон БМТ кўмагида Колумбия университети профессори Жеффери Сакс, Лондондаги иқтисодиёт мактаби директори Ричард Лейард ва Британия Колумбия университети профессори Жон Хеллиуэл томонидан 2012 йилдан буён тузиб келинаётган Жаҳон бахт индексида 2015 йилда 44-поғонани, МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. 2017 йилги ҳисоботда Ўзбекистон 2014-2016 йилларда энг тез ўзгариб, жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар ўнталигидан ўрин олган. Ушбу ҳисоботни тузишда давлатлар ялпи ички маҳсулотининг аҳоли жон бошига мос ҳиссаси, давлат томонидан фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, узоқ умр кўриш, одамларнинг сайлов ҳуқуқи, фуқароларнинг фаоллиги, коррупция омилининг камлиги даражаси каби мезонлар инобатга олинади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий, ижтимоий фаровонлик халқаро талабларга тўла жавоб беради. 2015 йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми эълон қилган рейтингда Ўзбекистоннинг энг тез ривожланаётган давлатлар қаторида 5-ўринни эгаллагани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

2015 йилда Ўзбекистон ФАОга аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Тошкентда 2014 йил 6 июнь куни ўтказилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ҳажми ошаётгани, соҳага замонавий агротехнологиялар ва инвестициялар жалб қилинаётгани эътироф этилди.

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда инсонларнинг умри узаяди. 2015 йили Украинанинг "Элвисти" ахборот маркази ОАВ материаллари асосида узоқ умр кўрувчи инсонлар яшовчи мамлакатлар тўғрисида тадқиқот ўтказди. Ўзбекистон ушбу рейтингда Япония, Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва Италия каби давлатлардан кейин дунёда 6-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон аҳолининг ўртача ёши ошиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизда эркаклар орасида 73,5 ёшни, аёллар орасида 75,5 ни ташкил қилади. Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жаҳон мамлакатларида узоқ умр кўрувчиларнинг аҳоли нуфусига нисбати жиҳатидан Ўзбекистон кучли учликдан ўрин эгаллаган.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган дўстлик фестивали доирасида "Юрт тинчлиги, Ватан равнақи – энг буюк неъмат" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ўтказилган дўстлик ва маданият фестивали Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган миллий маданият марказлари фаолиятини, турли миллатлар маданияти, тарихи ва қадриятларини акс эттирувчи буюмлар, ҳунармандлик, каштачилик маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланди.

• Бухорода "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шиори остида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган "XXI аср аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

• Андижонда оилавий ҳамда кўп тармоқли поликлиникаларга замонавий амбуланс – махсус жиҳозланган 25 "Damas" автомашинаси топширилди.

• Жиззах шаҳрида "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими томонидан асос солинган "Билимдон" нодавлат мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими бўлди. Мазкур таълим муассасасида болалар қисқа муддатли мактаб таълимига тайёрланади.

ЖАҲОНДА

• Сан-Францискодаги Калифорния университети кардиологларининг айтишича, Apple Watch "ақлли" соатлари юрак-қон томир касаллиги аломатларини 97 фоизгача аниқлайди. Тадқиқотчилар фикрига кўра, Apple гаджетига ўрнатилган пульсометр юрак мушаклари нормал фаолияти бузилишидан хабар беради. Касалликни соғлом юрак уришидан фарқлаш учун чуқур нейротармоқ ёрдам беради. Мазкур кенг қамровли маълумотлар мажмуи 6 минг кўнгиллида синаб кўрилди.

• KPMG аудиторлик компанияси изланишлари якунига кўра, футбол бўйича дунёнинг энг қиммат клублари рейтинги тузилди. Компания маълумотларига қараганда, Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клубининг нархи 3,186 миллиард еврога тенг ва у дунёнинг энг қиммат клуби бўлиб турибди. Испаниянинг "Реал" клуби 3,057 миллиард ва "Барселона" жамоаси 2,8 миллиард евролик қиймат билан кейинги ўринларни эгаллашди.

• Нидерландиядаги атроф-муҳитни тадқиқ қилиш институти олимлари 2100 йилга бориб сайёранинг энг йирик шаҳарларида ўртача ҳарорат цельсий бўйича 8 даражага ошиши мумкинлигини таъкидламоқда. Уларнинг фикрича, бунга сабаб глобал исиш ва атроф-муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари уйғунлигидир. Сайёрамиз шу давр мобайнида 5 фоизга қизиб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

ЮТУҚЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

БМТнинг Жаҳон Банки гуруҳи томонидан 2015 йилда "Бизнес юритиш 2015: сифат ва бошқариш самарадорлигини баҳолаш" ҳисоботи эълон қилинди. Ушбу ҳисобот рейтингда Ўзбекистон 2014 йилги кўрсаткич билан солиштирганда 189 мамлакат орасида 16 поғона юқорилаб, 87-ўринга кўтарилган. Рейтинг тузувчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон бизнес юритиш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича 2014-2015 йилларда энг яхши натижаларга эришган мамлакатлар ўнлигига кирди.

Буюк Британиянинг "Charities Aid" жамғармаси аҳолиси фаол даражада хайрсаховат билан шуғулланувчи, яъни шахсий маблағлари ва вақтини муҳтож одамлар ҳамда беморларга сарфлайдиган давлатлар рейтингини тузиб чиқди. Ушбу глобал индексда Ўзбекистон 2015 йилда 145 мамлакат ўртасида 27-ўринни, 2016 йилда эса 11-ўринни эгаллади.

АҚШда фаолият олиб борадиган нуфузли Геллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзусида 2015 йилда жаҳоннинг 144 мамлакатини қамраб олган тадқиқот ўтказди. Тадқиқот "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?", "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?" ва "Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пули ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?" саволлари асосида олиб борилган. Ўзбекистон мазкур рейтинг натижаларига кўра, дунёдаги 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллади. Мазкур рейтинг мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, мустаҳкам тартиб-интизомнинг ўзига хос ифодаси бўлди.

Жаҳонда терроризм муаммоси кучайиб бораётган бир вақтда, бу хавф чегара билмас, миллат, халқ ва давлат танламас эканлигини таъкидлаш лозим. Шу маънода Ўзбекистон терроризм хавфи юз бериши жуда кам бўлган мамлакатлар қаторида эканини ҳам дунё эътироф этмоқда. Лондондаги Иқтисодиёт ва Тинчлик институти томонидан нашр этиладиган "Жаҳон терроризм индекси – 2015"да Ўзбекистон терроризм хавфи 0 (ноль) индекс билан бу муаммо хавфи жуда кам бўлган 38 мамлакат қаторида эътироф этилди.

Мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда унинг Қуролли кучлари муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Қуролли кучлар ва мустаҳкам армия барпо этиш борасида улкан ютуқларга эришилди. Бу нафақат Ўзбекистон олимлари, балки халқаро тадқиқот марказлари ҳамда ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлди. Global Firepower Index ҳарбий-таҳлилий интернет портали тайёрлаган рейтингда Ўзбекистон армияси Марказий Осиёда энг кучли армия сифатида тан олиниб, 2016 йил дунё рейтингида 48-ўринни эгаллади. Рейтингни тузишда қўшинлар, қуруқликда, денгизда ва ҳавода жанг олиб боришга мўлжалланган ҳарбий техника сони, қуролланиш учун иқтисодий салоҳият, Қуролли кучлардаги тартиб-интизом, билим, малака, юксак маданият каби элликка яқин омиллар асос қилиб олинган.

Буюк Британиянинг Легатум тадқиқот институти 2015 йил якунларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ривожланганлик рейтингини тузиб чиқди. Мазкур индекс жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ёритувчи иқтисодиёт, тадбиркорлик, бошқарув, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, шахсий эркинликлар, ижтимоий капиталдан иборат саккиз мезон ва 79 асосий кўрсаткич асосида тузилади. Рейтингда Ўзбекистон 57-индикатор билан МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида олдинги сафлардан бирини эгаллади.

2016 йил GoEuro халқаро туристик компанияси сайтида эълон қилинган "Глобал юқори тезликдаги поездлар рейтинги"да Ўзбекистон поездлари дунё бўйича 17-ўринни эгаллаб, АҚШ, Норвегия ва Финляндия каби мамлакатлардан ўзиб кетди. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ушбу рейтингга киритилган ягона мамлакат бўлди. Рейтинг турли давлатларда ҳаракатланувчи поездларнинг энг юқори тезлиги, ҳаракатланиш тезлиги, аҳоли қамрови, чипталарнинг нархи ва бошқа кўрсаткичлар асосида тузилган. Рейтингда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан йўлга қўйилган "Афросиёб" поездининг тезлиги соатига 250 километр, максимал тезлиги соатига 255 километр бўлиши эътироф этилган.

2017 йилда Буюк Британияда фаолият юритувчи "The Lancet" халқаро тиббиёт журнали томонидан БМТнинг "Барқарор ривожланиш" декларациясига биноан саломатлик асосида барқарор ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳон мамлакатлари рейтинги эълон қилинди. Глобал рейтинг натижаларига асосан Ўзбекистон тиббиёт, соғлиқни сақлаш каби ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг 188 давлати ўртасида 55-ўринда, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринда қайд этилди.

Буюк Британиянинг "Financial Times" нашри 2017 йилда жаҳон туристлари қизиқиш билан қаровчи энг муҳим йўналишларни қамраб олган ҳисоботини чоп этди. Ушбу ҳисоботда Ўзбекистон иккинчи ўринни эгаллади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ва 2017 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро ва маҳаллий соҳа экспертларининг фикрича, Ўзбекистон туризмни ривожлантиришнинг барча имкониятларига эга.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида ҳам илғор ютуқларни қўлга киритди. Мамлакатимизда 2014 йил "Соғлом бола йили", 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Ўзбекистонда бу борадаги тадбирлар ва натижалар халқаро микёсда ҳам эътироф этилди. Жумладан, "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотларнинг самарали натижалари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг барча соҳаларини жаҳон стандартлари даражасида юксалтириш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон халқаро рейтинглардаги ўрнини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ойбек АБДИМЎМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти кичик илмий ходими

ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон – демократик давлат. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаб берадиган давлатдир. Мамлакатимизда турли ҳуқуқий демократик принциплар қарор топмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимизда эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий мезони ҳисобланади. Унда инсон ва унинг манфаатлари энг олий ўринга қўйилган. Хусусан, жорий йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили дея эълон қилинганининг ўзиёқ бунинг ёрқин ифодасидир. Бунинг инъикоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарининг жорий қилиниши юртимизда ҳамма нарса инсон учун деган ғояни бор бўйи билан кўрсатмоқда. Фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар бевосита қабул қилиниб, уларнинг муаммолари ҳал қилинаётгани ҳам одамларда давлатга бўлган ишончни янада оширмоқда ва уларда келажакка катта умид билан қараш фикрини шакллантирмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси амалий тарзда бажарилаётгани, қуруқ қоғозда қолиб кетмаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Айни мураккаб ва зиддиятли бир даврда, баъзи юртларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат – яшаш ҳуқуқи ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўла таъминланган. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Ушбу модда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар, қадриятлар даражасига кўтарилган. Маълумки "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" халқаро миқёсда инсонларнинг ажралмас дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди. 1-модда: "Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар...", 3-модда: "Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир".

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, оилавий сир-асрорларини ошкора қилиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Камситиш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай қилмишлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарлик мавжуд.

Хулоса шуки, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келиши билан дунёда ўзининг ўрнига эгадир.

Анвар АЛЛАБЕРГЕНОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент

Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётир.

СТАНДАРТЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Бу борада "Ўзстандарт" агентлиги, хусусан, Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар айтишга арзигуликдир. Бугунги кунда бошқарма томонидан Тошкент шаҳрида республика давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш ва метрология соҳалари бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармасида маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбиркорлар ва соҳа мутахассислари иштирок этган йиғилишда сўзга чиққанлар барчани "Бутунжаҳон метрология куни" муносабати билан табриклади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва белгиланган вазифалар борасида сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланишича, маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаштириш амалга оширилмоқда.

Шунингдек, қарорга асосан экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитлар яратиш ҳамда миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорида тан олинишига йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари кенгайиб бораётганлиги таъкидланиб, улардан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар бериб ўтилди.

Абдували СОДИҚОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПОЛИКЛИНИКАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги тиббиётни мувофиқлаштириб борувчи Республика комиссиясининг чора-тадбирлар режасига мувофиқ Шайхонтоҳур туманидаги 40-оилавий поликлиника раҳбарининг ахбороти эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, 40-оилавий поликлиника шифокор ва ҳамшираларини, ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга устувор аҳамият қаратилаётгани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тумандаги "Оқтепа", Ибн Сино, "Белтепа", "Янги Белтепа", "Шодлик" маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатувчи ушбу оилавий поликлиникада 18 умумий амалиёт шифокори ва 60 патронаж ҳамшираси фаолият олиб боради.

– Президентимиз томонидан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди 40-оилавий поликлиника бош шифокори Умида Жалилова. – Бизнинг муассасамизда ҳам патронаж хизматининг сифати ва самарадорлиги тубдан оширилмоқда. Ҳар бир хонадон поликлиника шифокори ва ҳамширалари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланган. Патронаж ҳамширалар томонидан ўзига бириктирилган хонадонларга фаол қатновлар ташкил этилмоқда. Сурункали касаллиги бор беморларга зарур хизмат кўрсатилаётгани натижасида "тез ёрдам" чақирувлари сезиларли камаймоқда.

Ўттиз ўринга мўлжалланган кундузги стационарда беморлар шифокорлар назоратида бўлиб, керакли муолажаларни олмоқда. Маҳаллалар ва оилавий поликлиника ҳамкорлигида амалга оширилаётган тушунтириш-тарғибот тадбирлари, амалий ишлар натижасида аҳолининг тиббий маданияти, шифокор ва ҳамшираларга хизматидан розилиги ортмоқда.

Поликлиникадаги айрим ечимини кутаётган масалалар, хусусан, аҳоли сонига нисбатан айрим тор доирадаги мутахассисларнинг етишмаслиги, ташхис қўйиш асбоб-ускуналари, лаборатория жиҳозларининг маънан эскирганлиги, ҳомиладор аёллар учун мажбурий топшириладиган таҳлилларга реактивларнинг етарли миқдорда эмаслиги фуқароларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлаётгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда кўтарилган долзарб масалаларга тезкор ечим топиш бўйича фикр алмашилди.

Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири

Таълим

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Тарихдан маълумки, илм-фан, санъат, адабиёт боринги, инсон ақл-идроки билан яратилган барча кашфиётлар, маънавият сарчашмалари кўҳна Шарқда пайдо бўлган ҳамда башарият тамаддунига беназир ҳисса қўшгани ҳеч кимга сир эмас.

Инсониятнинг мазкур "олтин даври" кўп асрлар мобайнида жаҳон олимларининг қизиқишига сабаб бўлди. Бу эса ўз ўрнида шарқшунос кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларининг ташкил этилишига туртки берди. Ҳозирда Сарбонна, Берлин, Бонн, Санкт-Петербург, Москва, Париж, Лондон, Қоҳира, Теҳрон ва бошқа шаҳарлардаги олий таълим муассасаларида шарқшуносликнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Улардан кўплаб машҳур элчилар, иқтисодчилар, ҳарбийлар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек, фан, таълим ва маданиятнинг турли соҳаларида муваффақиятли фаолият олиб бораётган олимлар етишиб чиқаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида эътироф этилган дунё шарқшунослиги марказлари орасида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг борлиги барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади. Зеро, ўзбек шарқшунослиги юксак илмий салоҳияти билан дунё шарқшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 15 июлдаги қарори билан мазкур институт ташкил этилди. Бу эса истиқлол йилларида мамлакатимиз илм-фанининг барча тармоқлари қатори шарқшуносликнинг ҳам замон талабларига мос равишда ривожланишига замин яратди.

Ҳужжатда мамлакатимизда шарқшунос кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш, Шарқ халқлари тили, тарихи, маданияти, сиёсати, фалсафаси ва иқтисоди бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш, шунингдек, Шарқ мамлакатлари билан халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш каби долзарб масалалар ўз аксини топган. Шу асосда таълим муассасасида шарқона таълим ва тарбия анъаналарини давом эттирган ҳолда замонавий шарқшунос кадрларни етиштиришга катта эътибор берила бошланди. Жумладан, Шарқ филологияси, Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик, Хитойшунослик сингари тўртта факультетда 20 йўналиш ва 11 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳозирда институтда таълим олаётган 2000 дан ортиқ талабага ўз соҳасининг етук билимдони бўлган 300 га яқин профессор-ўқитувчи сабоқ бериб келмоқда. Улар орасида дунё шарқшунослигида ўз илмий мактабига эга бўлган Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Неъматулло Иброҳимов, Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳат Муҳаммаджанов, Раҳима Аминова, Убайдулла Каримов сингари академикларнинг номлари доимий равишда эътироф этиб келинади.

Шу ўринда Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультети фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Факультет таркибида тўртта мутахассис етиштирувчи ҳамда битта хизмат кўрсатувчи кафедра мавжуд.

Факультет битирувчилари орасида давлат ва жамият бошқаруви, фан ва таълим жабҳаларида етакчилик қилаётган юзлаб мутахассислар борлигини фахр билан эътироф этиш мумкин. Қолаверса, кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан илмий фундаментал ва амалий грант лойиҳалари доирасида ўнлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий монографиялар тайёрланиб, ўқувчилар эътиборига тақдим этилмоқда.

Сўнгги йилларда "Хорижий тиллардаги тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида Шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш" илмий лойиҳаси доирасида сиёсий фанлар номзоди Н. Абдуллаев раҳбарлигидаги илмий гуруҳ томонидан "Ҳиндистон тарихи", "Покистон тарихи", "Афғонистон тарихи", "Эрон тарихи" сингари қатор ўқув қўлланмалари яратилди.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция ўтмиш авлодларимиздан қолган улкан маданий-илмий меросининг оламшумул аҳамияти, уни чуқур ўрганиш билан бирга мамлакатимизда шарқшунослик илмини янги сифат босқичига олиб чиқиш йўлидаги улкан қадам бўлди. Мазкур конференциядан сўнг факультетимизда "Шарқ фалсафаси ва маданияти" номли янги таълим йўналиши иш бошлади. Бу интилиш ўтмиш аждодларимиз фалсафий ва маънавий меросини жаҳон фани ютуқларига таянган ҳолда қиёсий таҳлил асосида жиддий ўрганиш, замонавий воқелик талабларига мувофиқ бўлган хулосалар чиқариш имконини беради.

Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультетининг шарқшунос кадрлар тайёрлашда институт ва республика миқёсидаги аҳамияти яна шунда кўринадики, ҳозирда дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, жадал тараққиёт натижасида шаклланаётган жаҳон янги тизимлар тартиботида шарқнинг ўрни тобора ўсиб бормоқда. Хитой, Корея Республикаси, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Эрон каби шарқнинг йирик мамлакатларида цивилизация таъсирида геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятларнинг ўзгариши бутун дунё бўйича кучларнинг ўрнини қайта кўриб чиқишни тақозо этаётгани ҳаммамизга маълум. Бу ҳолатда шарқ мамлакатларида кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларни ўрганиш, мазкур давлатларнинг дунё тараққиёти таъсири ва миллий манфаатларининг туташ нуқталарини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини комплекс тарзда олиб боришни тақозо қилаяпти. Айнан шу маънода биз шарқшуносларнинг олдида турган ўта муҳим ва юқори масъулиятли вазифалардан бири бўлган юқори малакали мутахассисларни етказиб бериш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Исмат БЕКМУРОДОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик институти жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультети декани



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 12

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "PRESS KLUB".
07.35 "Ватанпарвар".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
09.20 Анонс.
09.30 "Агроолам".
09.50 "Ҳаёт тилсими".
10.05 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
10.35 Анонс.
10.40 "Тилсиз ёв".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Фикр.uz".
11.35 "Кунларнинг бирида".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Рамазон ривоятлари".
13.10 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Мулоқот вақти".
14.50 "Олий қадрият".
15.15 "Мўъжизалар макони".
15.45 Анонс.
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
17.50 "Суҳбатдош".
18.10 Анонс.
18.20 "Имконият".
18.40 "Рамазон шукуҳи".
18.45 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.05 "Бизнес старт". Сурхондарё вил. Чинни ишлаб чиқариш.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Ҳаёт ўйин эмас".
22.00 "Муносабат". Ток-шоу.
22.45 – 00.15 "Бозор қонунлари". Б/ф.
00.15 Анонс.
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.35 "Рамазон шукуҳи".
02.40 "Рамазон туҳфаси".
03.20 "Мўъжизалар макони".
03.50 Анонс.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
05.20 Анонс.
05.30 – 05.55 "Бизнес старт".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Нуқтаи назар".
08.10 "Бахтли одамлар". Б/ф.
09.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Афсунгар". Т/с.
11.40 "Ҳаёт хавфсизлиги".
12.10 "Дугонажонлар". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Ёқимтой Микки". Б/ф.
14.50 "UzEX".
15.00 "Афсона ва ҳақиқат".
15.50 "Ҳаракатлар стратегияси".
16.00 "Давр".
16.10 "Оқсуяк изқувар". Т/с.
17.20 "Соғлом ҳаёт".
17.40 "Обод ҳудудлар".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Бобур". Т/с.
20.10 "Зиё масканлари".
20.30 "Танқид ва таҳлил".
20.40 "Фан ва ёшлар".
21.10 "Дугонажонлар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Кутубхоначилар". Т/с.
00.30 "Кулол ва гўзал".
00.50 "Мўъжизавий дунё".
02.40 "Уч кунлик дунё". Спектакль.
04.10 "Болажон қиз". Б/ф.
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
06.50 "Пойтахт-Hi-tech".
07.15 "Тошкент вақти".
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Обод хонадон".
10.35 "Пойтахт" на пульсе".
11.15 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
12.50 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Кафтдаги бахт". Т/с.
14.15 "Тошкент вақти".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Рангли телевизор".
17.45 "Пойтахт-культура".
18.20 "Мурожаат изидан".
18.50 "Мобиль камера".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Кафтдаги бахт". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Пойтахт йўлларида".
20.45 "Сайёр камера".
21.00 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.20 "По следу". Х/ф.
00.05 "Сайёр камера".
00.20 "Пойтахт йўлларида".
00.50 "Мен сизга айтсам".
01.30 "Пойтахт" на пульсе".
01.50 "Пойтахт-культура".
02.15 "Рангли телевизор".
02.45 "Ҳикматли дунё": "Умр".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
06.30 "Соғломжон-полвонжон".
07.00 "Sport-online".
08.00 Талқин (ўзб.).
08.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-20. 3-ўрин учун.
10.15 "Эътироф".
10.30 Хабарлар (ўзб.).
10.40 "Соғлом турмуш сари".
11.20 "Техноспорт".
11.35 "Машҳурлар".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Хабарлар (ўзб.).
13.05 "Формула-1". Асосий пойга.
15.00 Хабарлар (ўзб.).
15.10 "Чемпион".
15.45 "Спорт сабоқлари".
16.10 Теннис. WTA – ATP турнири.
17.45 "Спорт хандаси".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар (рус.).
18.50 "Техноспорт".
19.05 "ФИФА".
20.00 "Эътироф".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб.).
20.55 "Шоҳсупага йўл".
21.35 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Эрон – Ўзбекистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Волейбол. Жаҳон лигаси.
01.30 Хабарлар (рус.).
01.50 "ФИФА".
02.45 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Эрон-Ўзбекистон.
04.30 – 06.00 Теннис. WTA – ATP турнири.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Сержантлар".
06.35 Кексалар даврасида: "Қариси бор уй".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий кино. "Йигитали".
08.40 "7 кун нафаси".
09.00 "Маҳалламиз спортчилари".
09.30 "Мўъжаз Ватан".
09.55 "TV анонс".
10.00 Миллий кино. "Ҳақиқат куни".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.30 "Маҳалламиз маликаси".
12.10 "Ажабсанда".
12.35 "Икки йўл орасида".
13.00 "Телевизион миниатюра".
13.45 "Аслидек асрайлик".
14.10 "Буни ҳаёт дейдилар".
14.55 "TV анонс".
15.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси".
15.35 "Автотелемактаб".
16.10 "Фермер".
16.35 Зиё дарғалари: "Илм қудрати".
17.00 Миллий сериал. "Меҳмонжонлардан айланай".
17.35 "Аждодлар хазинаси".
18.05 "Сиз билан бирга".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
19.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Тоҳир ва Зуҳра".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Осуда ҳаёт".
23.00 "Илҳом мавжлари".
23.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Сержантлар".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
01.30 "Биламиз-ку, аммо".
02.00 "Бизнес ва тараққиёт".
02.30 "Хатарли қармоқ".
03.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси".
03.35 "Пиёда". Халқ манфаатлари йўлида.
04.30 "Ноёб институт".
05.00 Миллий сериал. "Меҳмонжонлардан айланай".
05.35 – 06.00 "Таҳлил ва талқин".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Ланди-ланди".
07.50 "Болажон устахонаси".
08.00 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.50 "Мультипанорама".
10.10 "Bravo English!"
10.50 "Болалар учун фильм".
12.10 "Табиатга саёҳат".
12.30 "Мультипанорама".
13.40 "Бола бошидан".
14.00 "Электрон дунё".
14.10 "Мультипанорама".
15.40 "Саргузаштлар ороли".
16.10 "Мультипанорама".
17.40 "Қувноқ стартлар".
18.00 "Мультипанорама".
19.10 "Худойберди бобо меҳмонда".
19.30 "Мультипанорама".
20.20 "Зумраша".
20.40 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Олти кун, етти тун". Б/ф.
07.40 Миллий кино. "Ўзимдан ўзимгача".
09.10 Оилавий экран. "Бахт излаган Гектор".
11.00 Саргузашт фильмлар экрани. "Чапақай".
13.00 Кундузги сериал. "Бардош".
14.00 "Дарё жумбоғи". Б/ф.
15.40 Болалар экрани. "Эгизаклар".
17.20 Мировое кино. "Бешеные скачки".
19.00 "Шунқор". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Меҳрибонлик". Б/ф.
21.25 "Ҳафта юлдузи". Бен Кингсли.
21.45 Жаҳон киноси. "Ганди". Б/ф. 1-қисм.
23.25 Мўъжаз фильм. "Тегирмонлар қишлоғи".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Смешная девчонка". Х/ф.
02.25 "Азиз сиймолар". А. Ҳамроев.
03.05 Миллий кино. "Ёдгор".
04.15 – 06.00 "Иккинчи имконият". Б/ф.

СЕШАНБА, 13

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Тадбиркор даври". Ток-шоу.
07.40 "Имконият".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
09.20 "Суҳбатдош".
09.40 "Кўнгил ободлиги".
10.10 Анонс.
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Объектив нигоҳида".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Рамазон ривоятлари".
13.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳунар сирлари".
14.35 Анонс.
14.50 "Устурлоб".
15.10 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 Тезкор хабарлар.
16.10 "Кунларнинг бирида".
16.30 "Ахборот" (инг.).
16.40 "Кандакорлар". Х/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
17.50 Анонс.
18.00 "2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили". "Олий қадрият".
18.20 "Қорачиқ".
18.40 "Рамазон шукуҳи".
18.45 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Зиё дарғалари" (30 дақ.).
21.00 "Ахборот".
21.40 "Агроолам".
22.00 – 00.00 "Ҳимоячи". Б/ф.
00.00 "Кунларнинг бирида".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.35 "Рамазон шукуҳи".
02.40 "Рамазон туҳфаси".
03.20 "Зиё дарғалари".
03.50 Анонс.
04.00 "Ахборот".
04.35 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
05.15 – 05.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Нуқтаи назар".
08.10 "Тангалик болалар". Б/ф.
09.30 "Ёшлар боғи".
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Афсунгар". Т/с.
11.40 "Обод ҳудудлар".
12.00 "Танқид ва таҳлил".
12.10 "Дугонажонлар". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Бошсиз чавандоз". Б/ф.
14.50 "UzEX".
15.00 "Афсона ва ҳақиқат".
15.50 "Танқид ва таҳлил".
16.00 "Давр".
16.10 "Оқсуяк изқувар". Т/с.
17.40 "Давр мавзуси".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Бобур". Т/с.
20.10 "Чаламулла "даҳо"лар".
20.40 "Ёшлар ва мутолаа".
21.10 "Дугонажонлар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Кутубхоначилар". Т/с.
00.00 "Зиё дарғалари".
00.50 "Мўъжизавий дунё".
02.40 "Бевалар". Спектакль.
04.10 "Плюшихадаги уч терак". Б/ф.
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
06.50 "Мобиль камера".
07.15 "Тошкент вақти".
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.15 "Мурожаат изидан".
11.40 "Пойтахт-вазият".
12.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
12.45 "Сайёр камера".
13.15 "Кафтдаги бахт". Т/с.
14.15 "Тошкент вақти".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Тақдирлар".
17.45 "Тошкентнома".
18.20 "Қонун доирасида".
18.35 "Пойтахт-Hi-tech".
18.45 "Халқ билан юзма-юз".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Кафтдаги бахт". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Ҳаёт ўйин эмас".
20.45 "Сайёр камера".
21.00 "Муҳаббат-мангу". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Место, известное лишь нам одним". Х/ф.
00.05 "Сайёр камера".
00.20 "Мен сизга айтсам".
00.50 "Пойтахт-Hi-tech".
01.00 "Тақдирлар".
01.35 "Пойтахт-вазият".
02.15 "Ҳикматли дунё": "Бахт ови".
03.00 "Пойтахт-культура".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Болалар спорти".
06.40 "Спорт хандаси".
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар (ўзб.).
08.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-20. Финал.
10.00 "Осиёга назар".
10.15 "Эътироф".
10.30 Хабарлар (ўзб.).
10.40 "Спорт сабоқлари".
11.05 "ФИФА".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Хабарлар (ўзб.).
13.10 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Эрон – Ўзбекистон.
15.00 Хабарлар (ўзб.).
15.05 Теннис. WTA – ATP турнири.
16.35 "Ифтихоримсан, спорт!"
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Таиланд – БАА. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда Хабарлар (рус.).
18.40 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Сурия – Хитой. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
21.00 Хабарлар (ўзб.).
21.25 "Техноспорт".
21.40 "Автограф судьбы".
22.10 Волейбол. Жаҳон лигаси.
23.35 "Эътироф".
23.55 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Қатар – Жанубий Корея. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
01.55 Мадҳия.
02.00 Хабарлар (рус.).
